O'ZINGNI ANGLA!

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

№ 47 (509)-son
2006-yil 29-noyabr

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ⊃ Chorshanba kunlari chiqadi ⊃ E-mail: hurriyat@mail.ru ⊃ http://www.hurriyat.uz


## УШБУ СОНДА:

### ЯНГИ РАҲБАР ТАНИШЛАРИНИ СИЙЛАДИ (2)



Биздан катта миқдордаги накд пулни йиғиб олган Хуршид Аҳмедов эса 2005 йилнинг 5 октябридан буён сирли тарзда ғойиб бўлган. Энг қизиғи, бу билан бирорта ҳам идора қизиқаётгани йўқ.

### Европа қуёшининг ботиши (3)



Ҳозирги мураккаб вазият шундан далолат бермоқдаки, агар Ғарб инқироз ҳолатидан чиқиб кета олмаса, у ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади. Бунинг учун эса душманларнинг жиддий ҳаракатига зарурат ҳам бўлмайди.

### АФАНДИнинг АДАШИ (4)



Айрим ижодкор дўстларимиз бир-иккита асари босилса, буюклик касалига чалиниб, босар-тусарини билмай қолар, гоҳо хизматни ҳам йиғиштириб қўйишар эди. Хайриятки, Насриддин бундай иллатлардан холи.


Таассурот

# ҚАНОТ ЖУФТ БЎЛАДИ

**Қарши ва Самарқанд шаҳарларидаги семинарда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлиги қушнинг икки қанотига қиёс қилинди**

## СЕМИНАР НЕГА ПОЙТАХТДА ЎТКАЗИЛМАДИ?

Эскидан қолган бир анъана бор: катта тадбирларни негадир пойтахтда ўтказиш афзал деб билинади. Бу балким тўғридир. Лекин кейинги пайтда бунинг акси рўй бераётганини кузатиш мумкин: пойтахтликлар вилоятларга чиқишмоқда. Кузатувчилар бунинг бир қанча афзаллик жиҳатлари борлигини айтишмоқда. Биринчидан, пойтахтликлар ҳар доим вилоятга чиқавеﾭришмайди. Иккинчидан, ҳудудлардаги ўзгариш ва янгиланишларни ўз кўзи билан кўрганга нима етсин. Учинчидан, вилоятларда ҳам шундай тажриба ва янгиликлар шаклланганки, уларни пойтахтликлар ўрганса ва амалда татбиқ этса арзийди. Қолаверса, бошқа вилоятлардаги журналист ёки мутахассисларнинг ҳар доим ҳам қадимий Қарши ва Самарқанд шаҳарларига йўллари тушавермайди. Яна бир афзаллик жиҳати, мусофирликдаги танишув самимий ва умрбоқий бўларкан. Боз устига Қарши шаҳри куни кеча ўзининг 2700 йиллигини нишонлади, Самарқанд эса 2750 йиллик тўйини ўтказишга тайёргарлик кўрмоқда. Ташкилотчилар "Босма ОАВ фаолиятини ривожлантириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш" мавзусидаги семинарни Қарши ва Самарқандда ўтказишни режалаштирганликларида ана шундай омилларни кўзда тутгандай туюлди бизга.

## "HURRIYAT"— ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Қарши шаҳрида 23 ноябрь куни бўлиб ўтган семинарни



Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов олиб борди. Модератор ушбу семинардан жуда кўп фойдали жиҳатлар кутилаётганига эътибор қаратди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, марказий газеталар ҳамда нодавлат ахборот агентликлари, Қашқадарёдаги вилоят, туман ва шаҳар ОАВ вакиллари қатнашди. Қашқадарё вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев меҳмонларни қутлаб, вилоятдаги ўзгаришлар, ОАВни ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги ўрни хусусида гапирди ва семинар ишига муваффақият тилади. Навбатдаги маърузачи вилоят, туман, шаҳар ва тармоқ газеталарининг бугунги аҳволига тўхталиб, ушбу семинар ўзаро тажриба алмашиш ва мавжуд муаммоларнинг ечимини топишда ёрдам беришига ҳисса қўшишига умид билдирди. Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Жамолиддин Ҳакимов "Босма ОАВ ва ахборот агентликларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари" мавзусида маъруза қилди.

— Бугунги кунда босма ОАВ фаолиятини ривожлантириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш муҳим масалалардан бири бўлиб турибди, — деди маърузачи. — Чунки газеталар мисолида оладиган бўлсак, барча таҳририятлар ҳам техник жиҳатдан замон, кўпгина нашрлар эса сифат, ўқишлилиги нуқтаи назаридан муштарийлар талабларига тўла жавоб берадиган даражага чиқа олаётгани йўқ. Бу бир томондан уларнинг моддий қувватига бориб тақалаётган бўлса, яна кўп жиҳатдан газеталарнинг раҳбар ходимларига боғлиқ. Айнан улар энг сўнгги, илғор тажрибаларни ўзларида жорий этиш масаласига жиддий эътибор қаратишлари лозим.

Фонд ўз мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда асосий эътиборни мамлакатдаги босма нашрларнинг хорижий давлатларнинг илғор оммавий ахборот воситалари каби ўзини ўзи иқтисодий таъминлашига, жаҳон стандартларига мос равишда шаклланишига кўмаклашиши, уларнинг моддий-техника базасини кучайтиришга, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга йўналтирилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Фонд ўз фаолиятида ҳар томонлама ривожланиб, мавқеини, ўқишлилигини ошириб бораётган таҳририятларнинг илғор тажрибаларини ёйиш орқали нашрларга кўмаклашади ва бу борада муайян ишларни амалга ошириб келмоқда.

Маърузачининг айтишича, Қашқадарёда ўтказилган семинардан ҳам ана шундай мақсад кўзланган. Аниқроқ қилиб айтганда, "Қашқадарё" газетаси таҳририятида йўлга қўйилган илғор тажрибаларни оммалаштиришдир.

Модератор шундан сўнг сўзни "Қашқадарё" газетаси бош муҳаррири, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг вилоят бўлими раҳбари Нарзулла Равшановга берди.

Маълум бўлишича, "Қашқадарё" газетасида намунали тажриба шаклланган, у тезда ўзининг самарасини бера бошлаган. Аввало таҳририят ходимларининг моддий манфаатдорлиги кескин оширилган. Бу эса газета дизайни ва сифатининг ошишига кескин таъсир ўтказган. Иккинчи томондан, газета обуначисига анчайин арзон нархда етказилишига эришиляпти. Бунда, албатта, муассиснинг ҳам хизмати бекиёсдир. Қолаверса, муассис кўмагида газета ходимларига аъло даражадаги шароит яратиб берилган. Ҳар бир ходим ўз компьютерига эга. Газета "Журналистлар уйи" деб аталадиган бинода жойлашган. Бу ерда вилоятнинг барча журналистлари ижодий кучлари жам бўлган, дейиш мумкин. Бу ҳам ўзига хос катта ижодий муҳитни вужудга келтирган. Очиғи, улар учун яратилган шароитни кўриб кўпчиликнинг ҳаваси келди. Аксарият вилоят газеталарининг бош муҳаррирлари ана шундай шароитни ўзларида ҳам жорий қилишни ният қилишди. Айтиш жоизки, семинар иштирокчилари "Қашқадарё" газетаси тажрибаси самараларининг бевосита гувоҳи бўлишди.



Семинар кунининг биринчи қисми якунида Жамоат фонди томонидан эълон қилинган "Энг яхши бизнес лойиҳа" танловида ғолиб чиққан 15 та газетага сертификат топширилди. Ғолибларга 10 миллион сўмгача бўлган миқдорда кредит 3 йил муддатгача фоизсиз берилди. Уларнинг ичида газетамиз "HURRIYAT" ҳам бор. Дарвоқе, газетамизнинг сиз кўриб турган бу галги сони ана шу бизнес лойиҳа асосида тайёрланди.

## ҚАРШИ ЖАМОЛИ

Қарши шаҳрининг бугунги кўринишини кузатган киши ҳайратланмасдан қолмайди. Шаҳар тубдан ўзгариб кетган. Семинар учун нега Қарши шаҳри танланганини шаҳар зиёратидан кейин англадик. Минг марта эшитгандан бир марта кўрган яхши-да. Мустақиллик майдонидаги "Эл юрт таянчи" монументи пойига гулчамбар қўйилди.

— Бу Президентимизнинг ғояси, — деди иштирокчилардан бири монументга ишора қилиб. — Қашқадарё ва қашқадарёликлар сиймоси бу. Майдон жуда катта ва чиройли. Қишда ҳам кўм-кўк бўлиб туради. Айтишларича, бу ерга ҳали жуда кўп турли-туман дарахтлар ўтказиларкан.

Албатта, шаҳарни бошдан оёқ зиёрат қилдик дея олмаймиз. Вақт қисқа эди, семинарнинг иккинчи қисми кутаётганди. Кўрганларимиз — Кўкгумбаз ва Одина масжиди, Бекмир мадрасаси бизга кўп нарсаларни англаш ва тафаккур қилишга имкон берди: бир пайтлар оёқости бўлган миллий ва диний қадриятларимиз яна қад ростламоқда. Биз ўзлигимизни англай бошладик. Бу жуда ҳам муҳим жараён...

Давоми 2-бетда.

Суриштирув

**Одамлар нега шикоят қилади, деган мавзу нафақат номзодлик, балки бир неча докторлик диссертацияларига сермазмун ва сермаҳсул озуқа бўлиб хизмат қилиши мумкиндир балки...**

**Ҳаётда эса шикоятчиларни, аксарият ҳолларда, раҳбарлар ёқтиришмайди. Жойларда эса муҳит ана шу раҳбарларнинг оғзидан чиққан сўзу, уларнинг бошқаларга муносабатига қараб шаклланади...**

# ҚОҒОЗДА БОР-У, АМАЛДА ЙЎҚ 3 ТА УЙ

## ва 3 йилдан бери сарсон уйсиз қолган оилалар

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ,
журналист-ҳуқуқшунос

Китоб туманида маҳаллий ҳокимият вакилларининг хатосими, айби биланми, тоғли чегара ҳудуддан пастга, туман марказига кўчирилган қишлоқ аҳолиси орасида тўрт оила уйсиз қолган, улар уч йилдан буён идорама-идора сарсон бўлиб юришибди, лекин хато тузатилмаяпти — «шикоятчилар» уй-жой билан таъминланмаяпти. Энг аянчлиси ва таажжубланарлиси шуки, кўчирилувчилар учун давлат маблағидан қурилган янги уйлардан тўрттаси тўрт кишига ноқонуний берилган. Агар шу қонунбузарлик бўлмаганида, юқоридаги тўрт оила қонуний равишда уй-жой билан таъминланган бўларди ва... одамлар Қашқадарёю Тошкентдаги қатор идораларга уч йилдан буён ўнлаб шикоятлар ёзишмаган, бу даъво бўйича кўплаб суд мажлислари ўтказилмаган бўларди.

Ҳа, муаллифнинг юқоридаги «хато», «қонунбузарлик», «ноқонуний» деган сўзларни қўрқмасдан ишлатишининг боиси, бу хато ва қонунбузарликлар суд актида исботланган, таъкидланган. Ана шу тўрт шикоятчини уй-жой билан таъминлаш ва улар чеккан азиятлари учун маънавий зарар ҳам ундириш туман ҳокимлигига юклатилган суд қарори қонуний кучга кирганига 2,5 йил(!) бўляпти, лекин унинг ижроси бўйича ҳануз «қилт» этган ҳаракат йўқ!

Энди, тушунарли бўлсин учун қисқача бир бошидан: 2002 йил ёзида, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш ва давлат чегарасини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг, сўнг вилоят ва туман ҳокимликларининг қарорларига асосан тоғли «Мусобозор» қишлоғининг аҳолиси ҳам янги қуриб берилган уйларга кўчириладиган бўлди. Бу қишлоқдаги йигирмадан ортиқ хонадоннинг уйлари ўтган бир неча йиллар мобайнида қурилган, барпо этилган. Бирор бир мутасадди «ноқонуний қурдинг» демаган ҳам. Одамлар бу уйларда оиласи билан яшаб, чорвачилик, деҳқончилик билан шуғулланган. Аввалдан айтиш мумкинки, уларнинг бирортаси хўжалик рўйхатига кирмаган ва бирор киши «рўйхатга ўтинглар» демаган эди. Шундай бўлгач, кўчиришдан олдин маҳаллий ҳокимият томонидан тайинланган махсус вакиллар орқали бу иш амалга оширилди — ёппасига рўйхатга олинди. Рўйхатга олинаётганда, ҳар бир оиланинг нечта уйи бор, унинг нечта хонаси бор, оила аъзолари неча кишидан иборат ва янги уйдан неча хоналиси берилиши кераклиги ҳисоб-китоб қилинди. Яъни ҳаммаси мавжуд қонун-қоидалар асосида. Ана шу ҳисоб-китоблар натижасида «Китоб туманидаги «Мусобозор» қишлоғидаги фуқаролар ҳақида Маълумотнома» вужудга келиб, унинг тагига вилоят ҳокимининг ўринбосари О. Худойназаров имзо қўйди. Бу ҳужжатда «Оила бошлиғининг исм-шарифи» устунидаги рўйхат 18 кишидан иборат бўлиб, уларга ҳар биттаси 2, 3, 4, 5 хонали, жами 21 та уй (шулардан 3 та хонадонга 2 тадан уй — муаллиф) берилиши режалаштирилган. Ушбу ҳужжатда кўрсатилишича, янги қуриладиган 5 хонали уйнинг нархи 19,8 миллион сўм, 4 хонали 16,6 миллион сўм, 3 хонали 12,6 миллион сўм, 2 хонали 8,8 миллион сўм ва 21 та уй учун жами 307,0 миллион сўм маблағ ажратилган.

> Судда гувоҳ сифатида сўралган «Паландара» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Х. Алиқулова «Нега буларни уйи бўлатуриб хўжалик дафтарига киритмадинглар?» деган саволга «Юқоридан шундай топшириқ бўлди» деган жавобни берган...

Амалда нима бўлди? 18 та уй қурилди, қолган учтаси — йўқ. Қурилмади. Режадаги жами хоналар ҳисобини олганда, жами 16 та хона кам қурилди. Бу — қурилиш пайтида маблағнинг ортиқча сарфланишими, талон-торожми, бюджет маблағларига кўз олайтиришми, буни аниқлаш журналистнинг имкониятию ваколатига кирмайди, тегишли органларнинг иши.

Лекин факт шуки, режадаги 3 та уй — йўқ.

Яна бир факт борки, бунга ҳам баҳо бериш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг иши.

Суд томонидан аниқланган бу факт шундан иборатки, 4 кишига (буларнинг ҳаммасини «хонадон» деб бўлмайди, бўйдоқ шахслар ҳам бор) тўртта уй ноқонуний берилган. Яъни «Мусобозор» қишлоғида уларнинг уйи бўлмаган, турли хуфёна йўллар билан ноқонуний равишда хўжалик дафтарига киритилган ва янги қурилган уйларни олишга, ҳатто давлат ҳисобидан берилган бепул телевизор ва ёрдам пулини ҳам олишга муваффақ бўлганлар. Бу ёқда эса тоғдаги уйи бузилиб, уй ололмаган 4 та оила бола-чақаси билан уйсиз қолиб, ким қариндошининг уйига суқилиб, ким ижарада яшаб зор қақшаб юришибди...

Судда гувоҳ сифатида сўралган «Паландара» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Х. Алиқулова «Нега буларни уйи бўлатуриб хўжалик дафтарига киритмадинглар?» деган саволга «Юқоридан шундай топшириқ бўлди» деган жавобни берган...

Давоми 2-бетда.

Тадбир

# МАҲАЛЛА НУФУЗИ ОШАДИ

*Пойтахтимизнинг "Кўкча Оқтепа" маҳалласида "Фуқаролик форуми" лойиҳаси доирасида "Фуқаролик жамияти институти сифатида маҳалла фаолиятининг конституциявий асослари" мавзусида давра суҳбати бўлди. Тадбир "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, "Маҳалла" жамғармаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Фридрих Эберт жамғармасининг Ўрта Осиёдаги ваколатхонаси томонидан ўтказилди. Тадбир давомида Олий Мажлис қўмиталари аъзолари, социолог олимлар, ҳуқуқшунослар, маҳалла раислари ва фуқаролик жамиятини ўрганиш, шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида иш олиб борадиган мутахассислар мазкур мавзуга алоқадор маърузалар тақдим қилдилар.*

*Юртимизда маҳалла нуфузини ошириш йўлида 10 га яқин қонун қабул қилинган, 20 га яқин фармон чиқарилган. Аммо маҳалланинг барча ҳуқуқий асослари тўлиқ яратилгани йўқ. Буни амалга оширувчи "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг янги лойиҳаси кўриб чиқилиш ва тасдиқланиш арафасида. Унга кўра, маҳалла раисларига маош, грантлар ва давлат томонидан буюртма бериш жорий қилиниши кўзда тутилади.*

*Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида 474 та маҳалла мавжуд. Маърузачиларнинг айтишича, маҳалла давлат ҳокимиятига пойдевор ясаган халқ ҳокимиятидир. Олдинда турган долзарб масала маҳалла ва давлат орасида ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйиш. Маҳалла ҳокимият томонидан қўллаб-қувватланса, халқнинг хоҳиш-истаклари рўёбга чиқиши жадаллашади. Иккинчи масала эса маҳалланинг шахсий бюджетини ташкил этиш ва такомиллаштириш, маҳаллада ислоҳотларни маҳалла раиси билан ҳамкорликда, баҳамжиҳат олиб бориш зарурлиги. Ўртага ташланган учинчи масала оқсоқолларга эътибор қаратиш. "Кўкча Оқтепа" маҳалласи раиси С. Имомовнинг айтишича, оқсоқол четдан эмас, шу маҳалла ҳудудидаги ташкилот ёки муассаса раҳбарларидан сайланса, мақсадга мувофиқдир. Чунки у ўз ҳудуди аҳолисининг муаммолари, хоҳиш, таклифлари билан таниш бўлади.*

Дурдона АЛИМОВА

Хабар

# ОЧИҚ МУЛОҚОТ



**Ўзбекистон Миллий университетида ректорнинг талабалар билан учрашуви анъанага айланади**

*Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бир ой давомида талабалар билан очиқ мулоқот ўтказилди. Университет ректори, профессор Ғафуржон Муҳамедов иштирок этган очиқ мулоқотларда талабалар ўзларини қийнаётган саволларга жавоб олишди.*

Ўзбекистон Миллий университети раҳбари бир неча ҳафта давомида 8000 га яқин талаба билан учрашди, уларнинг дарду ташвишларини тинглади ва бу билан талаби илм орзусида юрган ёшлар муаммоларига бефарқ эмаслигини кўрсатди.

Аслида профессор Ғ. Муҳамедов Миллий университет ректори сифатида иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Лекин ана шу ўтган қисқа фурсат ичида янги раҳбарнинг университетдаги таълим жараёнини янада яхшилаш, ўқув машғулотлари сифатини ошириш йўлида жиддий ҳаракат қилаётгани кўзга ташланди.

Талабаларнинг муаммолари билан яқиндан танишиш ва уларни ижобий ҳал этиш мақсадида ташкил этилган очиқ мулоқотлар ҳам ана шу хайрли тадбирларнинг узвий давоми бўлди.

Ҳақиқий маънода ошкора, эркин фикр алмашув тарзида ўтган мулоқотларда талабалар томонидан иссиқлик таъминоти каби ташкилий масалалардан тортиб, ўқув адабиётлари, ахборот технологиялари етишмаслиги, таълим сифати ва ўқув жараёни савияси каби жиддий мавзуларга қадар — турли муаммолар кўтарилди.

*ЎзМУ ректори Ғ. Муҳамедов талабалар билан очиқ мулоқотлар бундан буён доимий тарзда ўтказилишини маълум қилди.*

С. КАМОЛОВ

Газетанинг янги шакли Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий кўмагида тайёрланди.

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

# ҚОҒОЗДА БОР-У, АМАЛДА ЙЎҚ 3 ТА УЙ

Айни пайтда, фуқаролик ишлари бўйича Шаҳрисабз туманлараро судининг қонуний кучга кирган 2004 йил 30 мартдаги ҳал қилув қарори ва фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди кассация судлов ҳайъатининг 2004 йил 15 июндаги ажримида таъкидланишича, «Мусобозор» қишлоғида уйи бўлмаган 4 киши — Нарзиев Рўзимурод, Сафаров Ҳамроқул, Омонов Абдухомид, Кўчаров Камоллар... уй олишди! Ва улар «хўжалик китобига киритилгани» учун уй олганлар.

Суриштирув давомида, табиийки, ҳам шу туманнинг биринчи раҳбари, ҳам суд томонидан даъвогар-шикоятчиларни уй-жой билан таъминлаш юклатилган идоранинг бошлиғи сифатида туман ҳокими Л. Ғаффоров билан суҳбатлашдик, у кишининг бу можарога муносабати қандайлигини, суд қарори нега бажарилмаётганини сўрадик.

— Улар хўжалик дафтарида рўйхатда бўлмаган, вақтинча яшаб туришган, шунинг учун берилмаган, — деди Луқмон Усмонович ўзининг сўзлаш табиатига хос дадиллик билан.

— Суд қарор чиқариб қўйибди-ку, бекоргамасдир?

Бу саволга ҳокимнинг суд адресига айтган, балки ҳаётийдир-у, лекин эҳтиётсиз жавобини, ҳокимнинг обрўси учун, ёзмай қўяқолайлик.

Шундан кейин судларнинг ҳал қилув қарори ва ажримини қайтадан ўқиб чиқдим. Суд мажлисларида катта меҳнат қилинган, даъвогарлар ва жабрланувчилардан ташқари яна ўнлаб гувоҳлар, манфаатдор шахслар сўралган, табиийки, уларнинг гаплари сон-саноқсиз ҳужжатлар, далил-исботлар билан мустаҳкамланган ва бу суд ҳужжатлари ҳар қандай холис одамда ҳеч қанақа шубҳа уйғотмайди. Қарор қисмидан кўчирма: «Даъвогарларни уй-жойлари бузилиб кетганлиги учун жавобгар Китоб туман ҳокимлиги зиммасига даъвогарлар Диёрова Д. ва Авазов А.га уч хонали уй-жой, Диёрова М. ва Шоимов Х.ларга тўрт хонали уй-жой, Кучаров Г. ва Кучарова К.ларга бир хонали уй-жой, Холиқова Ш. ва Назаров А.ларга икки хонали янги уй-жой билан таъминлаш мажбурияти юклатилсин». Шунингдек, буларнинг ҳар бирига 500 минг сўмдан жами 2 миллион сўм маънавий зарарни ҳам Китоб туман ҳокимлигидан ундириш кўрсатилган эди, вилоят кассация суди маънавий зарарни ярмига — 1 миллион сўмга қисқартириб, ҳал қилув қарорининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдирди.

— Туман бюджетида бу уйларни қуриш учун пул йўқ, мендан кейин ўнта ҳоким келса ҳам қуриб беролмайди.

Демак, бу уйларни яна марказлашган Республика бюджетидан қуриш керакмиш. Яхши-ку, Республика бюджетининг аввалги ажратган маблағидан 3 та уй ёки унинг 50 миллион сўм атрофидаги пули қайсидир йўллар ёки сабаблар билан туманда гумдон бўлиб кетсинда, уни тиклаш учун яна марказлашган маблағ балогардон бўлсин эмиш!(?).

Суд қароридан кейинги икки йил ичидаги хатти-ҳаракат ҳам мана шу «ғоя»га қаратилган: ҳал қилув қарори узоқ муддат ижро қилинмай ётди, сўнг Китоб туман суд ижрочилари бўлинмаси ижрочиси И. Бўронов судга ижро этиш тартиби ва усулини ўзгартириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилди, суд раиси А. Тошкенова 2005 йил 28 декабрда даъвогарларга уйларнинг пули «Ўзбекистон Республикаси бюджетидан ундирилсин» деб ажрим чиқариб берди. Китоб туман молия бўлими мудири М. Нуримов аввал судга ижрочининг аризасига ҳамоҳанг хат билан ёзма мурожаат қилгани учун юқори ташкилотидан дакки эшитганми ё адолатпарварлик туйғуси уйғонганми, 2006 йил 19 октябрь санаси билан Фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судининг раиси номига жавобгар Китоб туман молия бўлими томонидан туманлараро суднинг юқоридаги ажрими устидан кассация шикояти ёзяпти.



Унинг хулосаси шундай: «2. Кассация судлов ҳайъатидан фуқаролик ишлари бўйича Шаҳрисабз туманлараро судининг Диёрова Д. ва бошқаларнинг жавобгари Китоб туман ҳокимлиги ва ҳокимлик қошидаги уй-жой билан таъминлаш комиссиясига нисбатан янги уй-жой билан таъминлаш ва иморатга эгалик ҳуқуқини эътироф этиш ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги 2004 йил 30 март кунидаги ҳал қилув қарорини ижро тартибини ўзгартириш ҳақидаги ажримини бекор қилинишини ва Китоб туман ҳокимлигини юқоридаги даъво бўйича жавобгар юридик шахс деб эътироф этишини илтимос қилиб сўраймиз».

Балли.

Аниқки, лойиҳадаги 3 та уйнинг қурилмай қолиб кетиши, тўрт кишининг ноқонуний равишда текин янги уй-жой ва моддий ёрдамга сазовор бўлиши, эски уй-жойи бузилган тўрт оиланинг уйсиз қолиши — ҳазил гап эмас, бунда ғирт жиноят аломатлари ҳам уфуриб турибди. Шунинг учундир, фуқаролик ишлари бўйича Шаҳрисабз туманлараро суди ҳал қилув қарори билан бирга 2004 йил 30 март санасида хусусий ажрим ҳам чиқарди ва айбдорларга чора кўриш учун бу ҳужжатни Китоб туман прокурорига, Қашқадарё вилоят ва Китоб тумани ҳокимликларига жўнатди. Бу хусусий ажримга туман прокурори Х. Собиров (собиқ) 2004 йил 6 августда ёзган жавоб хатида жиноят иши қўзғатиш рад этилгани, вилоят ҳокимлиги томонидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатларга туман прокуратурасининг баҳо бериш ва текшириш ўтказиш ваколати йўқлиги баён этилган. Вассалом. «Табиийки», вилоят ва туман ҳокимликлари... жавоб беришмади.

Шу ўринда, бир чимдим «юмор»га қулоқ тутинг. Суднинг ҳал қилув қароридан кўчирма: «Судда манфаатдор томон Нарзиев Рўзимурод ўз кўргазмасида Китоб тумани Деновбола қишлоғида акаси Нарзиев Эргашни уйи бўлганлигини, шу уйда вақтинча яшаб турганлигини, аммо ўзини уй-жойи ва рўйхати «Макрид» фуқаролар йиғинига қарашли Файзиобод қишлоғида экани ва ўзи шу ерда яшашлигини, уни уйи бузилмаганини, у уй сўрамаганлигини, ҳокимликдаги кишилар ўзлари уй беришганлигини (таъкид бизники — муаллиф), моддий ёрдам учун 60.000 сўм ва телевизорни ҳам беришганлигини, уни ўз уйи борлигини, унга ҳокимлик томонидан берилган уй керак эмаслигини билдирди».

Бунга... кулиш керакми, куйишми? Р. Нарзиев суддаги бу кўргазмасини ҳаётда «тасдиқлаш» учунми, «керак эмас» уйни... сотиб юборди! Яна кимга денг? Уйсиз қолган даъвогарлар Диёроваларнинг отаси Рустам Диёровга! 6 миллион сўмга! Ана томоша!

Буёқда бу томоша, уёқда ҳоким Луқмон Усмонович биз билан суҳбатда «буни ёзмаслик керак, бу сиёсий масала!» деб бизни сиёсий ҳушёрликка чақирдилар. Маслаҳат учун раҳмат. Бироқ, авваламбор, бу ижтимоий-иқтисодий-маиший масала, қолаверса, айрим амалдорларнинг айрим хатти-ҳаракатлари-ю давлат маблағини беҳуда совуришларни «сиёсий масала» ниқобига ўраб ошкор қилмасликка уриниш тажрибаси, советлар замонида қолиб кетган...

# ҚАНОТ ЖУФТ БЎЛАДИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда.



### ЖУРНАЛИСТЛАР ЭНДИ МАРКАЗДА МАҲОРАТ ОШИРАДИ

Босма ва электрон ОАВга боғлиқ қандай тадбир ўтказилмасин, гап албатта малакали кадрлар етишмаслигига бориб тақалади. Бундай ҳолат, айниқса, туман ва вилоятларда яққол кўзга ташланади. Маълумотларга қараганда, вилоятлар таркибидаги туман ва шаҳар газеталаридаги журналистларнинг атиги 20-25 фоизини ёшлар ташкил қилар экан. 44 фоизининг ёши 60 га яқинлашиб қолган. Кадр йўқлигидан айримлар 25-30 йилдан буён туман газетасида бош муҳаррирлик қилиб келяпти. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Жамоат фонди ана шундай аҳволни бартараф қилишга жиддий бел боғлаган кўринади. Масалан, ОАВ ходимларининг касбий малакасини ошириш мақсадида фонд томонидан мунтазам равишда ўқув семинарлари ташкил этиб келинмоқда. Худди шунингдек, жойларда ҳам журналистларни қайта тайёрлаш ва ёш журналист кадрлар етиштиришни кўзда тутувчи журанлистлар маҳоратини ошириш марказлари вужудга келтирилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг октябрь ойида Фонднинг бевосита кўмагида Андижон шаҳрида, "Андижоннома" газетаси таҳририяти қошида Журналистлар маҳоратини ошириш маркази иш бошлади. Эндиликда "Қашқадарё" ва Самарқанд вилоятидаги "Зарафшон" газеталари таҳририяти қошида ҳам ана шундай марказга Жамоат фонди сертификатлари топширилди. Демак, ушбу катта муаммонинг ечимини топишга амалий ҳаракат қилиняпти, йўллари изланяпти...



### ҚАРШИДА БОШЛАНГАН СЕМИНАР САМАРҚАНДДА ДАВОМ ЭТДИ

Семинар қатнашчилари 24 ноябрь куни соат ўнлар атрофида Қаршидан Самарқандга етиб келишди. Аввал Имом ал-Бухорий, кейин яқиндагина буткул қайта таъмирланган "Шоҳи зинда" мажмуасини зиёрат қилдилар. Шу куни Самарқанддаги газеталар чоп этиладиган, эндигина таъмирдан чиққан ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган босмахона биносининг очилиш маросими бўлди. Семинар иштирокчилари бу ерда "Даракчи" (рус тилидаги нашри) "Самаркандский вестник", "Овози тожик" ва "Зарафшон" газеталари фаолияти билан танишдилар. Вилоят матбуот уйида Қаршида бошланган семинар давом эттирилди. Уни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов олиб борди. Семинар иштирокчиларини Самарқанд вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Аъзамхон Баҳромов қутлади. Жамоат фонди директори Жамолиддин Ҳакимов "Зарафшон" газетаси бош муҳаррири Фармон Тошевга газета қошида журналистлар маҳоратини ошириш ва ёш журналистларни тайёрлаш марказини очиш учун сертификат топширди. "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси, "Зарафшон" газетаси қошидаги жамоатчилик кенгаши раиси Ҳасан Нурмуродов ва "Зарафшон" газетаси бош муҳаррири Фармон Тошев ҳудудий ОАВ фаолиятини ривожлантириш ва жамиятни янгилаш, мамлакатни модернизациялаш жараёнини ёритишда уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари муаммолари хусусида гапирдилар.

Шундан сўнг семинар иштирокчилари Самарқанддаги энг пешқадам телерадиокомпаниялардан бири бўлган "Самарқанд СТВ" телевизион ижодий уюшмаси фаолияти, у ердаги яратилган шароит билан яқиндан танишдилар.



Изоҳга ҳожат йўқ.

Осимхон ВОСИХОНОВ чизган

### СЕМИНАР НИМА БЕРДИ?

*Бизнингча, бу энг муҳим масала.*

*Елиб-югуриб бир нарса ташкил қилсангу, лекин у ҳеч кимга ҳеч нима бермаса, бундан ёмони йўқ. Бизнингча, Қаршидан бошланиб Самарқандда давом этган семинар унинг иштирокчиларига кўп нарса бера олди. "Бухорономa" ва "Бухарский вестник" газеталари бош муҳаррири Жаҳонгир Исмоилов Самарқандга келганимизда қизиқ бир гапни айтди: "Ижодкор сафарда очиларкан". Фарғона, Андижон ва Наманагандан келган бош муҳаррирлар: "Энг зўри бизда деб юрсак, биздан ҳам зўррок газета ва ТВлар бор экан", дейишди. Ана шу икки эътирофнинг ўзи ҳам юқорида қўйган саволимизга тўла жавоб бера олади деб ўйлаймиз.*

*Демак, семинар ўз олдига қўйган мақсадига эришди деган хулоса чиқаришимизга етарли асос кўп.*

**Исмат ХУДОЁРОВ,**
**Убайдулла ХЎЖАНИЁЗОВ,**
*Тошкент-Қарши- Самарқанд-Тошкент*

Ёднома

**Бизнинг талабалик давримиз 70-йилларнинг ўрталарига тўғри келган эди. 1975 йилнинг ёзида ТошДУ (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг журналистика факультетига абитуриентлар биринчи марта ижодий имтиҳон топширадиган бўлишди. Яъни журналистика касбини эгаллаш учун ҳавас билан университетга келганлар қабул ҳайъатига ҳужжатларига матбуотда эълон қилинган мақолаларини ҳам қўшиб топширишди. Сўнг кириш имтиҳонларига қадар икки босқичли синов (ёзма ва оғзаки) топширдик. 300 га яқин даъвогарлардан 25 нафаримиз анча-мунча қийин синовлардан ўтиб, талабалик шарафига муяссар бўлдик. Ҳа, кувончимиз бир олам эди ўшанда.**

**Юсуфжон ҲАМДАМОВ,**
Ўзбекистон Миллий университети доценти

# ОЧИЛ АКАНИНГ САБОҚЛАРИ



Сурат архивдан.

Ҳадемай шинам аудиторияларда ўқув машғулотлари ҳам бошланиб кетди. Билимга чанқоқ биз ёшлар учун ўтилаётган ҳар бир дарс, ундан сабоқ бераётган ҳар бир устознинг маърузаси сирли бўлиб туюлар, бирор бир дарсни қолдирмасдан, жон қулоғимиз билан тинглаб ўтирар эдик. Кунлар бир-бирини қувиб ўтаверди. Ҳадемай, учинчи курсга ҳам ўтдик. Бизга газетанинг ахборий ва таҳлилий жанрларидан Р.Муҳаммадиев, С.Умиров ва Б.Дўстқораев домлалар дарс ўтишди. Бадиий-публицистика жанрларидан эса профессор Очил Тоғаев сабоқ бера бошлади. Одатда маълум бир фанни ўтишда ўша фан бўйича мутахассиснинг талабаларни жалб эта оладиган ўз усули бўлади. Биз учун домла Тоғаев бир кашфиёт бўлди. Чунки у ҳар бир мавзуни мароқ билан ўтар, озгина бўғиқ, аммо сеҳрли овози бутун аудиторияни ўзига жалб қилиб олар, уни талабалар жон қулоғи билан тинглар эди. Айниқса, очерк жанри ҳақида дарс ўтганларида, домла моҳир актёр каби бутунлай ролга кириб кетар эди. Ўзбек ва рус очеркнависларининг энг сара асарларини қиёслаб, моҳирона таҳлил қилиб берар, кўрсаткич бармоғини юқорига кўтариб, гоҳ пастга тушириб, салмоқлаб, донадона қилиб гапириб, ҳар бир талабанинг онгу шуурига етиб боргунча тушунтирар эди.

Домланинг шарофатлари билан биз ёшлар О.Ёқубов, И.Раҳим, Н.Сафаров, Ҳ.Ғулом, Шукурулло, С.Анорбоев, М.Мансуров каби таниқли адиблар билан танишиб, улар билан ҳамсуҳбат бўлганмиз. Домла уларни биз талабалар ўқув аудиторияси ва ётоқхоналарига тез-тез таклиф этиб турар, жонли мулоқотлар ўзига хос тарзда давом этар эди. Бундай ўйлаб кўрсак, ўша пайтлардаги учрашувлар, мулоқот, қизғин баҳс ва мунозаралар ўз натижасини бермай қолмаган экан, албатта.

Домланинг кўринишлари жиддий бўлиб, салобатлари боссада, талаба-ёшларни ўзларига яқин тутар, улардан қимматли маслаҳатларини асло аямас эди. Анча фаол, билимдон талабаларни бироз эркалаб, елкасига енгилгина қоқиб, уларга «мавлоно» деб мурожаат этар эдилар. Бу талаба учун яхшигина сийлов эди, албатта. Шу боис профессор Очил Тоғаев ва факультетимиздаги у киши каби илм-фаннинг фидойилари, меҳрибон устозларнинг сабоқларини олган мўъжазгина гуруҳимиздан ҳам анча-мунча иқтидорли журналист, адиб, шоир ва олимлар етишиб чиқди. Улардан А.Ибодинов, К.Турдиева, А.Абдувалиев, З.Рўзиева, М.Холмуродова, К.Реймовларни айтиб ўтиш мумкин.

Очил Тоғаев университетга устоз бўлиб келгунига қадар газетада, «Шарқ юлдузи» журналида ишлаган, дарсда домла назарий билимларини амалиёт билан бирга олиб борар, шунинг учун ҳам унинг ҳар бир дарси қизиқарли, мазмунли ўтар эди.

Домлада бир одат бор эди: у талабаларнинг дарсдаги давоматини назорат қилиб ўтирмас, негаки талабалар унинг дарсларида тўлиқ қатнашар эди.

Домла жуда сермаҳсул олим эди. 70-йилларнинг бошларидан Очил аканинг нуфузли нашриётларда журналистика жанрлари ва муаммоларига бағишланган йирик, сермазмун китоблари босилиб чиқа бошлади. «Ўзбек бадиий публицистикаси» (1973й), «Публицистика жанрлари» (1976 й), «Адиблар ва жанрлар» (1976 й), «Прометей олови» (1985 й), «Ибратли сабоқлар» (1978 й) номли китоблар домланинг ҳақиқий ижод маҳсули, қолаверса, профессор Очил Тоғаевни кенг жамоатчиликка танитган ҳам ана шу йирик ва сермазмун китоблари бўлди. 70-80-йилларда журналистика назарияси бўйича ўзбек тилида дарслик, ўқув қўлланмалари жуда кам, бу талабаларга ўқиш давомида анча-мунча қийинчиликлар туғдирар эди. Ўша давр талаба ва тадқиқотчилари кўпроқ профессор Тоғаевнинг китобларини мутолаа қилганлар.

О.Тоғаевни олим сифатида кўпчилик танир эди. Кечагидек эсимда. 1984 йилнинг баҳори эди. Факультетда ёш ўқитувчи сифатида эндигина иш бошлаган пайтларим. Москва давлат университетининг профессори, журналистика назарияси бўйича таниқли олим ва шу соҳа бўйича кўплаб дарслик, ўқув қўлланмалари муаллифи Е.П.Прохоров факультетимиз талабаларига маъруза ўқиш учун таклиф қилинган эди. Москвалик олим Тошкентда ўн кунча бўлиб, талабаларга мароқли маърузалар ўқиди, факультетимиз билан яқиндан танишди. У бир куни қизиқиб, домла Тоғаевнинг дарсларига кирган, унинг маърузаларини тинглагач, жуда мамнун бўлиб чиққан эди.

Очил Тоғаев устоз сифатида талабаларга маъруза ўқиш билан чегараланиб қолмасдан, ўзи ҳам «Айтганларимга амал қиламан», қабилида иш тутиб, буларнинг исботи сифатида республикамизнинг обрўли газета ва журналларида бугуннинг гапини айта оладиган йирик-йирик мақолалари билан тез-тез чиқишлар қилиб турар эди. Ҳали-ҳануз эсимизда. 80-йилларнинг ўрталари — «қайта қуриш» аталувчи кампания бошланган давр, собиқ СССР парчаланиб кетишга маҳкум, собиқ КПСС эса мавқеини йўқотаётган пайтлар эди. Неча йиллар давомида халқимизнинг юрагида йиғилиб қолган қат-қат дардлар юзага қалқиб чиқаётган эди. Республикамиздаги экологик ҳалокатнинг хавфи, жамиятдаги адолатсизликлар, аёлларимизнинг ўзига ўзи ўт қўйиши, бутифос дориси одамларнинг ёстиғини қуритаётганлиги, Россиядаги ҳарбий қисмлардан аскар йигитларимизнинг тобути келаётганлиги ва ҳоказо. Бу каби муаммоларни фақат оммавий ахборот воситалари орқалигина кўтариб чиқиш мумкин эди. Шу йиллар Очил Тоғаев публицист сифатида енг шимариб, ишга киришиб кетди. Унинг ўшанда ҳам энг нуфузли ва халқимиз севиб ўқийдиган ҳафталик нашр — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида қатор мақолалари босилиб чиққан, уларнинг ҳар бири ижтимоий аҳамиятга молик, воқеа бўладиган публицистик руҳ уфуриб турган мақолалар эди.

Очил ака республика Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмалари аъзоси сифатида ҳам ижтимоий фаол инсон эди. Унинг Ёзувчилар уюшмасидаги экология, ўзбек тилини давлат тили сифатида тан олиш, Орол муаммоси, Бўстонлиқни асраш ва бошқа муҳим муаммоларга бағишланган кўплаб йиғинлардаги сермазмун чиқишларига бир неча бор гувоҳ бўлганмиз.

Ҳар тўкисда бир камчилик бўлади, деганларидек, Очил аканинг табиатида ҳам тоғликларга хос бир оз ўжарлик, баъзида эҳтиросга берилиб кетиш ҳоллари ҳам бўлган. Аммо у кўнгли тоза, ижтимоий адолат, ҳақиқат учун ортга чекинмай курашувчан инсон эди.

**Очил Тоғаев республикамиз мустақиллигини кўп орзу қилар, том маънода ватанпарвар, миллатсевар инсон эди. Бу хислатлар у ёзган ҳар бир китоб, мақоласида уфуриб туради. Устоз Очил ака ҳаёт бўлганида, мустақиллигимиздан руҳланган ҳолда эркин ижод қилиб, том-том китоблар ёзиб, қанчалаб шогирдлар тайёрлаган бўлар эди. Аммо у ёзган китоблар, сабоқ берган шогирдларининг катта-кичик муваффақиятлари домла Тоғаевни доимо эслатиб туради.**

Мактуб

# ЯНГИ РАҲБАР ТАНИШЛАРИНИ СИЙЛАДИ

### Ҳашарда накд пул билан иштирок этган биз эса бир четда қолиб кетдик

Ургут туман ҳокимлиги "Янги буюм бозори" масъулияти чекланган жамиятининг 2004 йил июль ойидаги қарори ҳамда хатига асосан ўша йилнинг 21 август куни "Янги буюм бозори" МЧЖ ҳудудида "Айланма ва Панфилов" савдо расталарини қайта қуришга рухсат бериш ҳақида қарор қабул қилади. Ана шундан кейин бозорнинг собиқ раҳбари М. Эгамбердиев таклифи билан ўз ҳисобимиздан қурилиш ишларини бошлаб юбордик.

Таъмир учун биздан нақд шаклдаги пулларни М. Эгамбердиевнинг ишончли одами Хуршид Аҳмедов йиғиб олди. Хуллас, 2005 йил октябрь ойига келиб, бозор тўлиқ таъмирдан чиқарилиб фойдаланишга топшириш арафасида кутилмаганда Дилшод Ҳамидов МЧЖга янги раҳбар этиб тайинланди. У ишни савдо расталарини тақсимлашдан, аниқроқ қилиб айтганда, уларни умуман ҳашарда қатнашмаган, қурилиш ишларига алоқаси бўлмаган фуқароларга мўмай пуллар эвазига ажратишдан бошлади. Ана шундан кейин бизлар Д. Ҳамидовга мурожаат қилиб, тўхтаб қолган тадбиркорлик фаолиятимизни давом эттириш учун жой ажратишини сўрадик. У бизни тинглашни ҳам хоҳламади. Иложи бўлмагач, 200 дан зиёд тадбиркорлар ўзаро маслаҳатлашиб, туман ҳокимига хат билан чиқдик. Натижа бўлавермагач, Бозорлар уюшмаси, вилоят ҳокимлиги мутасаддиларигача мурожаат қилдик. Лекин бирорта идора ёзма равишда жавоб қайтармади. Биздан катта миқдордаги нақд пулни йиғиб олган Хуршид Аҳмедов эса 2005 йилнинг 5 октябридан буён сирли тарзда ғойиб бўлган. Энг қизиғи, бу билан бирорта ҳам идора қизиқаётгани йўқ. Энди бизни йиғилган пул эмас, ҳашарда иштирок этган тадбиркорларга ажратилиши лозим бўлган савдо расталари қизиқтирмоқда. Ҳеч бир мурожаатимиз фойда бермаяпти.

Ана шуни деб қарийб икки йилдан буён овора бўлиб юрибмиз. Наҳотки бизнинг дардимизни ҳеч ким тингламаса.

**Улуғбек АҲМЕДОВ,**
**М. ЭШОНҚУЛОВ,**
**Ш. ЖАББОРОВ ва бошқалар**

Нигоҳ

# Европа қуёшининг ботиши



## Америка ядро соябони остида ҳаёт кечирган "эски дунё"нинг куни битмоқдами?..

Саддам Ҳусайннинг қатл этилишига қарши чиқаётган Европа давлатлари бугунги кунда Ғарб жамиятининг нечоғлик инқироз ботқоғига ботгани хусусида яхшигина тасаввур бера олади.

Тирик қолиш учун кураш нималигини-да унутган европаликларнинг икки авлоди уруш чангалзорини тасаввур қилмасдан вояга етишди. Чунки улар Американинг ядро соябони остида умргузаронлик қилиб келишди. Шу боис ҳам европаликларнинг аксарияти "юмшоқбадан", "оқбилак" бўлиб қолишди ва улар бирор жиддий хавф-хатарга дуч келганда, ўзларини йўқотадиган даражага етишди.

Ўзларини урушга қарши дея атаган намойишчилар ўн йиллар давомида ядро қуролига қарши норозилик чиқишларида иштирок этиб ҳам чарчашмади. Бироқ бу ўринда урушга қарши қуруқ сўз билан амал ўртасида жиддий тафовут борлигини ҳам ёдга олиб ўтиш жоиздек.

Ўзининг минг йиллик тарихи давомида Европа бирор марта 60 йилдан ошиқ фурсат ичида урушсиз, қирғинбаротсиз ҳаёт кечирганмиди? Иккинчи жаҳон урушидан шу пайтга қадар "эски дунё"нинг осойишта ҳаёт кечириши АҚШнинг ядро қуроли воситасида таъминланди. Шу билан бирга океанорти давлатининг сеҳрли қуроли Совет Иттифоқи армиясини бутун Европага музаффар юришдан ҳам тўхтатиб қолди.

Қудратли ҳарбий салоҳиятга эга бўлиш ва душманларга ушбу имкониятдан ҳеч иккиланмасдан фойдалана олишни кўрсатиб қўйиш... ҳақиқий урушга қарши ҳаракатдир. Бир қарашда ноодатий туюлган бу фикр замирида ҳақиқат мавжуд. Буюк Британия бош вазири Невилл Чемберленнинг тинчликпарвар сиёсати Иккинчи жаҳон урушининг келиб чиқишига сабаб бўлди. Президент Роналд Рейганнинг Америка ҳарбий қудратини ошириш йўлидаги ҳаракатлари эса "совуқ уруш" даврининг хотима топишига олиб келди.

> "... Улар Американинг ядро соябони остида умргузаронлик қилиб келишди. Шу боис ҳам европаликларнинг аксарияти "юмшоқбадан", "оқбилак" бўлиб қолишди ва улар бирор жиддий хавф-хатарга дуч келганда, ўзларини йўқотадиган даражага етишди."

Машҳур Рим давлати ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битимлар ёки гўзал нотиқлик ҳисобидан кучаймаган эди. Билъакс, улкан давлатнинг юзага келиши ортида Карфагендек мамлакатни қудратдан кеткизиш ва бошқа душманларга ҳам омонсиз зарба бериш ҳаракати турар эди. Бир неча асрларга чўзилган ички кучсизланиш, ватанпарварлик ва жанговар руҳнинг заифлашуви туфайлигина улкан давлат инқирозга юз тутди. Афтидан, бугунги Ғарб тамаддуни ҳам ўша йўналишда ҳаракатланмоқда...

Ҳозирда Ғарб жамиятларида мавжуд меъёрлардан узоқлашиш, мультикултурализм (кўпмаданиятлилик), "Ўзингни бил, ўзгани қўй" қабилида ҳаёт тарзи урф бўлди. Ватанпарварлик туйғусидан эса ҳаттоки нафратланиш даражасига етилди. Ўз мамлакати ва маданиятидан ғурурланиш деярли унут бўлаёзди. Европа тамаддуни ютуқлари эса аллақачон уюм-уюм тарих дарсликлари саҳифаларига дафн этилди.

Бугунги авлоддан маданият ва тамаддунни жонлантириш йўлидаги фидокорона курашни кутиш мумкинми? Ҳолбуки, янги авлодни ҳам Ғарб институтларининг ўзи хавф пайдо бўлиши билан ўзини қутқаришга, бошқа маданиятларга тоқатсизлик қилаётганларга ҳам тоқатли бўлишдек "ковбойлик"ка ўргатиб қўйди.

Ғарб мамлакатларида яшаб қолиш учун жон куйдириш камдан кам учрайдиган ҳодиса. Фақат АҚШ ва Исроилгина Ғарб давлатлари орасида биринчи навбатда ўз-ўзини мудофаа қилишга аҳамият беради. Балки шу боисдир, ушбу давлатлар ҳаттоки Ғарбнинг ўзида ҳам қора бўёқларда тасвирланади.

Ҳозирги мураккаб вазият шундан далолат бермоқдаки, агар Ғарб инқироз ҳолатидан чиқиб кета олмаса, у ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади. Бунинг учун эса душманларнинг жиддий ҳаракатига зарурат ҳам бўлмайди.

*«The Washington Post» газетаси материали асосида*
**Собиржон ЁҚУБОВ**
тайёрлади

Рақамлар

**Ўтган беш йил давомида янги номдаги номустақил кундалик газеталар дунё бўйича 8,1 фоизга, мустақил кундалик газеталар эса 8,9 фоизга ўсди. Агар фоизларни рақамлар билан ифодаласак, номустақил кундалик газеталар ўсиши 7700 тани, мустақил кундалик нашрлар эса 7862 тани ташкил қилади.**

# Осиёликлар кўпроқ ўқишмоқда



Янги номдаги номустақил газеталарнинг кўпайиши ўтган йилда олдинги йиллардагига нисбатан 0,3 фоизга камайган. Мустақил кундалик газеталарни йилдан йилга 0,06 фоизга ўсаётганини ҳам кузатишимиз мумкин. Янги нашрларнинг умумий ўсиши Африкада 4,5 фоиз, Жанубий Америкада 1,4 фоиз, Австралия ва Океанияда 1,2 фоиз ҳисобида тақсимланади. Лекин Европада 1,2 фоиз, Шимолий Америкада 0,4 фоиз, Осиёда эса 0,3 фоиз газеталар маълум сабабларга кўра ўз фаолиятини тўхтатди. Шу ерда яна бир маълумотни айтиб ўтмоқчимиз: ўтган беш йилда жаҳон миқёсида фақат номустақил кундалик нашрлар тиражи 28 фоизга ошган. Қолган нашрлар (ҳафтада бир, икки марта чиқадиган ва ҳоказо) 54 фоиз ҳамда якшанба куни чиқадиган газеталар тиражи 36 фоизга кўпайган. Жаҳондаги барча газеталарнинг тиражи ўтган йилда 1,21 фоизга ошган. Охирги беш йилда эса бу кўрсаткич 7,8 фоизга тенг келади. Айни вақтда дунёда бир кунда 464 млн. нусха газета чоп этилади. Беш йил олдин эса 414 млн. киши ҳар куни газета сотиб олардި. Ҳозирда ҳар куни 439 млн.дан кўпроқ киши кундалик нашрларни харид қилади. Газеталарни қўлдан қўлга ўтиб ўқилишини ҳам инобатга олсак, ҳар куни 1 млд. киши газета ўқийди.

### КИМ КЎП СОТАДИ?

Жаҳон газеталари ассоциациясининг (ЖГА) тарқатган маълумотларга кўра, ўтган йили газета сотилиши дунё миқёсида 0,56 фоизга кўпайди. Шу ўринда сўнгги беш йилда газета савдоси 6 фоизга ортганини ҳам эслатиб ўтиш лозим.

Осиёда газета сотиб олиш бошқа қитъалардагидан суръатлироқ кечмоқда. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, осиёликлар сўнгги йилларда газетани кўпроқ ўқишмоқда. Жаҳонда 100 та харидоргир газета нашр қилинса, шундан 7/10 қисми Осиёда чоп этилиши гапимизни тасдиқлайди. Хитой, Япония ва Ҳиндистон давлатларида бозори чаққон газеталар номинини 62 тагача санаб ўтишимиз мумкин. Ўтган йилда газеталарни сотилиши Осиёда 1,7 фоиз, Жанубий Америкада 3,7 фоиз, Африкада эса 0,2 фоизга ўсди. Европа, Шимолий Америка, Австралия ва Океанияда газета сотиб олишга эҳтиёж камайди. Ҳатто Шимолий Америкада тунги газеталарнинг нархи арзонлашди. Кўринадики, кўпчилик ривожланган давлатларда газета ўқишга бўлган талаб сусайган.

Жаҳонда бешта йирик газета бозори мавжуд. Биринчи ўринда Хитой (96,6 млн. нусха) турса, иккинчи ўринда Ҳиндистон (78,7 млн. нусха) туради. Ҳар куни 69,7 млн. нусха газета сотадиган кун чиқар ўлка — Япония учинчи поғонадан мустаҳкам ўрин олган. Океан орти давлатида (АҚШ) эса бир кунда 53,3 млн. нусха газета сотилади. Ниҳоят бешинчи ўринни босма ОАВнинг ватани деб эътироф этиладиган Германия (21,5 млн. нусха) банд этган.

### РЕКЛАМА БОЗОРИДАГИ ГАПЛАР

АҚШ дунёда газета рекламасидан энг кўп даромад кўрадиган давлат ҳисобланишини биламиз. 2005 йилда ушбу давлат газеталарининг йиллик реклама даромади 1,51 фоизга ошди. Охирги беш йилда эса бу кўрсаткич 7 фоизни ташкил қилади.

Хитойда эса газеталарнинг йиллик реклама даромади 2005 йилда 19 фоизга ўсди. 2001 йилдан буён эса газетадан келадиган фойда 128 фоизга ўсган. Европа Иттифоқи газета бозорининг йиллик реклама даромади ўтган йили 4,15 фоизга ошди. Беш йилда бу кўрсаткич 37,3 фоизни ташкил қилади.

### ИНТЕРНЕТ

Онлайн газеталардан фойдаланувчилар 2005 йилда 8,71 фоизга кўпайди. Сўнгги беш йил давомида 200 фоизга кўпайгани ҳам диққатга сазовордир. Интернет йиллик реклама даромади ҳам ўсишда давом этмоқда, яъни 2005 йили 24 фоиз. Юқоридаги маълумотлардан кейин ўтган йили онлайн газеталар сони 20 фоизга кўпайганлиги ҳеч кимни ажаблантирмаса керак.

Хуллас, жаҳон газеталар бозорида ана шунақа гаплар.

**Азим РЎЗИЕВ**
**тайёрлади**

Тафсилот

**"Transparency International" халқаро ташкилоти дунё мамлакатларида коррупция нечоғлик тарқалганини кўрсатувчи навбатдаги ҳисоботни эълон қилди.**

**Бунга кўра, Гаити давлати дунёдаги энг коррупциялашган мамлакат сифатида баҳоланди.**

# Коррупция комида



"Transparency International" ҳисоботлари халқаро ҳамжамият томонидан жиддий таҳлил сифатида қабул қилинади. Мазкур хулосалар жаҳон мамлакатларида ҳукумат вакиллари ва сиёсатчиларнинг жиноий олам билан нечоғлик алоқада эканини кўрсатади. Ташкилот ўз ҳисоботларни тайёрлаш жараёнида мониторинг қилинаётган мамлакатда истиқомат қилаётган етакчи эксперт ва таҳлилчиларнинг фикрларига асосланади. Шу билан бирга таҳлил жараёнида хориж мутахассислари ҳам иштирок этадилар.

Бу сафар ҳам коррупцияга қарши кураш борасида Ғарбий Европа мамлакатлари — Финляндия, Исландия, Дания, Швеция, Швейцария ва Нидерландиянинг олдига тушадиган мард топилмади. Дунё миқёсида матбуот эркинлиги бўйича ҳам етакчилик қилаётган ушбу давлатларга 10 баллик тизимда 9,6 балл берилган.

"Transparency International" таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, жаҳоннинг иқтисодий ривожланган йирик мамлакатларида коррупцияга қарши кураш қийин кечмоқда. Ҳудуди ва шунга яраша миллий иқтисоди ҳам кичик бўлган давлатларда эса коррупция кўрсаткичи пастлиги кўзга ташланмоқда. Рўйхатда Сингапур, Исландия, Янги Зеландия каби майдони кичик давлатларнинг олдинги ўринларда тургани ҳам мазкур фикрни тасдиқлайди.

Халқаро ташкилот таҳлиллари сайёрамизнинг энг йирик иқтисодий бирлашмаси бўлган "Катта саккизлик" давлатларидаги аҳвол мақтангудек эмаслигини кўрсатмоқда. Мафия ватани сифатида ном қозонган Италия коррупционерлар ва порахўрларнинг ўзига хос рейтингида 45-ўринни банд этган. G8 нинг қолган давлатлари иккинчи ўнликка кириш билан чекланган (Буюк Британия —11-ўрин, АҚШ — 20-ўрин). "Катта саккизлик"ка энг сўнгги бўлиб қўшилган Россия ҳисоботда 121-ўринни банд этган. Бу эса Гамбия, Гайана, Гондурас, Непал, Руанда каби "учинчи дунё"давлатлари қаторида турган Федерацияда коррупция ва порахўрлик анчайин тараққий этганини тасдиқлайди.

Ривожланаётган давлатлар орасида иқтисодий салоҳияти юқорилиги билан етакчилик қилаётган Хитой, Ҳиндистон, Бразилия каби "гигантлар" 70-80-ўринлар орасидан жой олишган.

"Transparency International" хулосасига кўра, собиқ Иттифоқ мамлакатлари орасида коррупцияга қарши кураш борасида Эстония Республикаси биринчи ўринда туради — яқиндагина Европа Иттифоқига кирган мамлакат Испания, Португалия қаторида 24-ўринни эгаллаган.

Болтиқбўйининг қолган икки вакили — Литва ва Латвия эса 46-, 49-ўринларни банд этишган.

Халқаро ташкилот ҳисоботида МДҲ давлатлари орасида Туркманистон, Белорусь ва Тожикистонда коррупция даражаси юқори экани таъкидланади. Ушбу давлатлар кетма-кет 139-142-ўринларни эгаллаганлар.

"Рангли инқилоб" мамлакатлари — Украина ва Грузия мазкур рўйхатда ҳам яқинликларини яна бир бор кўрсатиб қўйганлар: рейтинг жадвалида ҳар икки "инқилобчи" давлат 99-ўринда қайд этилган.

**Абдул СОБИР**
**тайёрлади**

ХАЛҚАРО ВОҚЕАЛАР

GLOBUS
INTERNATIONAL LIFE




Маҳмуджон ЭШОНҚУЛОВ чизган сурат

## Тинчлик «дарахт»ининг кушандаси ким?

## Италия ва Польша Ироқни тарк этади



Италия аскарлари 2006 йилнинг 1 декабрига қадар Ироқни бутунлай тарк этишади. Бу ҳақда мамлакат бош вазири Романо Проди маълум қилди.

Ўз навбатида Польша президенти Лех Качиньски ҳам Ироқдаги 900 нафар польяк аскари 2007 йилнинг охирига қадар ватанига қайтарилишини билдирди.

Ироқ урушида АҚШнинг энг яқин иттифоқчиси бўлган Буюк Британия ҳам араб мамлакатидаги ҳарбийлари сонини қисқартирмоқчи. ОАВ орқали чиқишида бу ҳақда маълум қилган Буюк Британия бош вазири Дэс Браун (Des Browne) Ироқдаги вазиятдан хавотирда эканини ҳам таъкидлаган.

# Демократларнинг қатъий талаби



***АҚШ Сенатида кўпчиликни ташкил этаётган демократлар мамлакат адлия вазирлиги ва махсус хизматидан Жорж Буш кўрсатмаси билан қабул қилинган махфий ҳужжатларни ошкор қилишни талаб қилди. Партия вакиллари фикрича, президентнинг халқаро терроризмга қарши кураш амалиёти даврида махсус хизматларга махфий суратда инсон ҳуқуқлари ва демократия талабларига зид топшириқ ва кўрсатмалар берилган.***

***"Нью-Йорк таймс" газетасининг қайд этишича, ҳозирга қадар махфий қамоқхоналар, махсус хизматларнинг инсон ҳуқуқларига зид амалиётлари борасидаги раддиялар ҳукумат томонидан эътиборсиз қолдириб келинар эди. Яқинда ўтган сайловларда эса мамлакат Сенати ва Вакиллар палатасида демократлар назорати ўрнатилди. Бундай шароитда эса Давлат департаменти мухолиф партия талабларини эътиборсиз қолдиролмайди.***

***— Биз саволларимизга аниқ ва лўнда жавоблар талаб қиламиз, — дейди Сенатнинг юридик қўмитаси раҳбарлигига асосий номзод бўлган сенатор Патрик Лихи. — Биз олдин ҳам ҳақиқатни юзага чиқаришга ҳаракат қилганмиз. Бироқ айримлар ўз хатоларини яширишга уринишмоқда. Бу эса имконсиздир.***

***Демократлар партияси ҳукуматдан, энг аввало, Жорж Буш томонидан 11 сентябрь воқеаларидан кейиноқ Марказий разведка бошқармасига махфий қамоқхоналар ташкил этиш тўғрисида берилган буйруқни тақдим этишни сўрашмоқда. Бундан ташқари, мухолиф сиёсий гуруҳ террорда айбланаётган гумондорларни сўроқ қилишни тартибга солувчи меморандум матнини ҳам талаб этмоқда.***

## ННТ

**Асримизнинг бошига келиб, экология тарозисининг мувозанати бузилди. Бунинг оқибатида инсоният турмуш тарзида ҳам ечилиши лозим бўлган муаммолар юзага кела бошлади. Айтайлик, турфа хил касалликлар, ундан ташқари киши ахлоқидаги эврилишлар аҳоли генофондига жиддий таъсир этмай қолмади. Жамиятда соғлом турмуш тарзини такомиллаштириш ҳамда она ва бола саломатлигини мустаҳкам муҳофаза қилиш ана шу муаммони бартараф этишнинг биринчи шартларидан бўлиб қолди. 1993 йил 23 апрелда Ўзбекистон Президенти Фармонига биноан ташкил этилган "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси ана шу долзарб мақсадни амалга ошириш учун майдонга кириб келди.**

# МАҚСАД – АҲОЛИ ГЕНОФОНДИНИ САҚЛАШ



Мазкур нодавлат нотижорат ташкилотининг иши соғлиқни сақлаш ва аҳолининг ижтимой ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш билан чамбарчас боғлиқ. Хусусан, жамғарма ўтган ўн уч йил давомида жисмонан бақувват, маънан етук ҳамда руҳан тетик фарзандларни тарбиялаш борасидаги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиб келмоқда.

Жамғарма ўз ҳудудий бўлимларига эга. Халқаро жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жами 14 та ҳудудий филиали, туман ва шаҳарларида эса 187 та таянч масканлари аниқ кўзланган мақсадни тўкис бажаришда муҳим ўрин эгаллаяпти. Улар жойлардаги соғлиқни сақлаш, таълим муассасалари ва қатор ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Кенг қамровда ўтказилаётган саломатлик кунлари, тиббий маданиятни оширишдаги амалий ишлар эса биргаликдаги ҳаракатнинг ҳосиласидир.

ННТ тиббий, гуманитар, тарбиявий ва инвестиция дастурларига таяниб, кам таъминланган, ривожланишида нуқсони бор ногиронлар ва меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиб келади. Жумладан, "Тиббий ижтимоий патранаж" дастури тиббий-ижтимоий марказининг 15 та кўчма бригадаси мавжуд. Унинг илғор шифокорлари республиканинг барча минтақаларида фаолият олиб боради. Энг муҳими, олис қишлоқларда яшовчи кам таъминланган оилалар аҳволидан хабардор бўлиш яхши йўлга қўйилди.

Шунингдек, "Туғруқхоналар ва болалар муассасалари моддий-техника асосини мустаҳкамлаш", "Маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш", "Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш", "Ёш йигит ва қизларни ҳаётга тайёрлаш" каби дастурлар жамиятда соғлом шахсни шакллантиришга кўмак бермоқда.

ННТ ўз низомидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтган халқаро компания ва қўшма корхоналар билан ҳам ҳамкорликни кенг йўлга қўйган. "Она ва бола скрининг" дастури — хорижий шерикчиликнинг самарали лойиҳаларидан бири. Тизим 1998 йил Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Финляндиянинг "Прибори Ой" ва Германиянинг "Бристол Майерс Сквибб" компанияларининг ҳамкорлиги натижасида вужудга келган. Бугунги кунда бу тизим орқали ногирон бўлиб туғилаётган болаларнинг сони анча камайишига эришилди. Мамлакатнинг барча ҳудудларидаги ҳомиладор аёлларга ўз вақтида ташхис қўйиб, туғилажак фарзандларига тегишли тиббий ёрдамлар бериб келинган.

Шундай эса-да, ўтган тўққиз ой ичида Республикада 138334 нафар гипотериоз ва 132662 нафар фенилкетонурия касаллиги билан оғриган чақалоқлар аниқланган. Шундан 1235 нафарида туғма гипотериоз ва 507 нафарида фенилкетория касаллиги мавжудлиги эса тизим олдида ҳали қилиниши керак бўлган ишлар кўплигидан дарак беради.

Германиянинг "Фриденсдорф Интернейшнл" халқаро ташкилоти билан 2002 йилда "Болаларни соғломлаштириш" дастури тузилган. Лаб ва танглайида туғма асоратлари бор бемор болалар дастур бўйича чет эл клиникаларида даволанишади. Шу кунга қадар 12 ёшгача бўлган 82 нафар бемор ва ногирон болалар Германиянинг нуфузли шифохоналарида ўз саломатликларини тиклаб қайтишган.

Айтиш керакки, бу саъй-ҳаракатларнинг ортида бир мақсад: киши саломатлиги турганлиги ҳаракатнинг долзарблигидан далолат беради. Аҳолининг соғлиғи ҳақида қайғурадиган бу каби гуманитар ННТ Марказий Осиёнинг бирорта давлатида учрамайди. Шу маънода фуқаролик жамиятини қуришда, аниқроғи, демократик тамойилларга содиқ соғлом авлодни тарбиялашда мазкур жамғарманинг ўрни диққатга сазовордир.

**Дилмурод СОДИҚОВ**

**Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг моддий ва техникавий кўмагида тайёрланди.**
**Лойиҳа: "Фуқаролик жамиятини шакллантириш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ННТнинг ўрни".**

